

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси доценти, и.ф.н.

Қисқача аннотация. Ушбу мақолада ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини аниқлашда фойдаланилаётган миллӣ ва ҳудудий бойлик таснифи, унинг таркибий элементлари очиб берилган. Иктиносиди олимларнинг мамлакат/ҳудуднинг иктиносидий салоҳияти, унинг баҳолаш усуллари ҳамда иктиносидий потенциал, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш бўйича олиб борган тадқиқотлари танқидий ўрганилган.

Шунингдек, Ўзбекистон мисолида инвестицион фаолият, инвестицион салоҳият ва инвестицион жозибадорликка таъсир кўрсатадиган омиллар таҳлили бой статистик маълумотлар орқали очиб берилган. Ҳудудларни бир текисда ривожланишини таъминлаш, ҳудудларда истиқомат қиласидиган аҳоли даромадалари ўртасидаги кескин фарқланиши олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиктисодий даражада ҳал этиш бўйича давлатнинг ва жойлардаги маъмурий-бошқарув ҳокимиятларнинг олдида турган асосий вазифалар сабабий боғлиқликда баён этилган.

Таянч сўзлар. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги. Ҳудуднинг ижтимоий-иктиносидий салоҳияти. Инвестицион фаолият. Инвестицион иқлими. Инвестицион ризк. Ҳудуднинг иктиносидий салоҳияти. Асосий капитал. Асосий капиталдан фойдаланиш. Асосий фонdlарнинг такрор ишлаб чиқарилиши. Ялпи ҳудудий маҳсулот. Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар.

Mustafakulov Sherzod Igamberdievich – PhD, associate professor at Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Short abstract. In this article, national and regional wealth classification and its structural elements which is used in identification of socio-economic potential of regions were discussed. Moreover critical analysis of the works of scientists on regional investment attractiveness, country/regional economic potential and its evaluation methods was provided.

And also, investment activity, investment potential and analysis of the factors influencing investment attractiveness were revealed by using rich statistical data in the example of Uzbekistan. Provision of balanced development of the regions, solving the questions of the reducing disparities in the income level of population living in regions in macro and meso level by explaining causal relationship between responsibilities of the state and administrative divisions of the local government were also outlined.

Key words. Investment attractiveness of the regions, socio-economic potential of the regions, investment activity, investment climate, investment risk, economic potential of the regions, fixed capital, usage of the fixed capital, reproduction of fixed assets, gross regional product, investments directed to main capital.

Classificational analysis of factors impacting on investment activity, investment capacity and investment attractiveness

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга қарататгандан иктиносидий сиёсати замарида мамлакатнинг иктиносидий ривожланишини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш каби асосий мақсад ётади. Худудларда мавжуд бўлган иктиносидий ресурсларнинг (худудий бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули – ресурслардан оптималь фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат. Бунинг учун эса, худудларда инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш бўйича сабабий боғлиқликдаги чукур таҳлилларни амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, айнан худуднинг иктиносидий салоҳияти ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади¹.

Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, худуднинг иктиносидий салоҳияти деганда, у ерда мавжуд бўлган тизимиш элементлар, яъни ишлаб чиқариш фонdlари, меҳнат ресурслари назарда тутилади ва иктиносидий салоҳият эса маъурий-иктиносидий худуднинг иктиносидий (бозорли) имкониятини юзага келтиради. Бу ерда худуд неокласик назарияга кўра стационар мувозанатни таъминлашга хизмат қиласиган буғун сифатида бўлиб, иктиносидий салоҳиятни ривожланишини эса, ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) таъминлайди².

Худуд салоҳияти тушунчаси худуднинг таркибий элементларини юзага келтирувчи салоҳиятлар тизимидан иборат. У ялпи иктиносидий салоҳият дея эътироф этиладиган: табиий-ашёвий, моддий, илмий-техникавий, институционал ва инсоний салоҳиятларнинг йигидисидан ташкил топади³.

Шуни қайд этиш жоизки, худудларнинг маъмурий-иктиносидий бошқаруви сиёсатини юритишда иктиносидий салоҳият оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш орқали ҳамда худуднинг ички имкониятларини инобатга олиб келажакдаги мавқе аниқланади.

Ушбу ички имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, давлат томонидан худудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-

¹Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. 2010. № 3(11). С.84-92.

²Шлычков В.В. Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. № 2. 2007.

³Балацкий О.Ф. Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компаний, предприятия // Вестник Сумского гос. Ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84-95.

иқтисодий, инвестицион дастурларни амалга оширади. Бизнинг фикримизча, айнан, эндоген омиллар ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим ҳисобланади, аммо шу билан бирга, ҳудуднинг геоиқтисодий жойлашувини ҳам эсдан чиқармаслик ва уни инобатга олиш лозим.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришdir. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, у ерда яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга кўйилганлиги, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёки, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли хилдаги институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожланганлиги каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Инвестицион иқлим – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган муҳит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти шароитларини ва инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, социал ва бошқа омиллар таъсирида шакланади.

Ижобий инвестицион иқлимни яратиш масаласида иқтисодиётнинг глобаллашувини асосий жараён сифатида талқин қилиш ва бунинг натижасида инвестицион ресурсларга эга бўлиш кўламишини, ўз навбатида эса, инвесторлар ўртасида ҳам рақобатнинг кучайишини назардан четда қолдирмаслик лозим. Агар биз четдан келадиган хорижий инвестициялар ҳажмини оширишни истасак, албатта инвестицион муҳитни, ҳудудий шарт ва шароитларни рақобатчиларга қараганда янада мақбул ва юқори даражага чиқаришни, шунингдек, ички (миллий) инвестицияларни фаоллаштириш учун ҳам “иқлим” нинг қулай ва ортиқча рисқдан ҳоли бўлишини таъминлашга эътибор қаратиш муҳимдир. Акс ҳолда, мамлакатга кириб келадиган инвестициялар ҳажмининг кескин қисқариши, маҳаллий инвесторлар маблағларининг эса, четга чиқиб кетиши содир бўлади.



Манба: муаллиф томонидан тузилган.

1-расм.

Худудларнинг инвестицион иқлими таркибига қуидагиларни келтириш мумкин:

Инвестицион салоҳият – худуднинг инвестицияларнинг кириб келиши учун очиқлиги ва иқтисодий ресурслар заҳираларнинг мавжудлиги ва ҳажми (1-2-расмлар);

Инвестицион ризк – инвесторларга яратиб берилган шароитлардан келиб чиқиб, уларнинг даромад олиши ва/ёки уни юқотиши эҳтимоллиги (3-расм);

Инвестицион фаолият – барча турдаги инвестицияларни амага ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимой-ташкилий ва ҳуқуқий-сиёсий чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, унинг реализациясини таъминлашга қаратилган жараёнлар (4-расм).

Инвестицион салоҳиятни 9 та гурухга бўлиб талқин қилиш мумкин (2-расм): табиий-ресурс салоҳияти (худудда мавжуд бўлган фойдали қазилма бойликларнинг захираси); ишлаб чиқариш (худуд аҳолиси томонидан хўжалик фаолиятини юритиш орқали яратилган моддий бойлик); инновацион (худудда илм-фанинг ривожланиш даражаси ва илмий-техника ютуқларини татбиқ этиш ҳолати); меҳнат (меҳнат ресурсларининг сони, ёши, билими ва малака даражаси); молиявий (солиқ солиш базасининг ҳажми, худудда мавжуд бўлган корхоналарнинг фойдаси, аҳоли даромади); институционал (етакчи бозор институтларининг ривожланганлик даражаси); инфратузилма (худуднинг иқтисодий-географик ҳолати ва унинг инфратузилмавий таъминланганлиги); истеъмол (худуд аҳолисининг ялпи харид қобилияти, яъни истеъмол талаби); туристик (туристларнинг ташриф буюришлари учун мавжуд масканлар, диққатга сазовор объектлар). Инвестицион салоҳият, айнан, инвестицион жозибадорликни юзага келтиради ва уни оширишга хизмат қиласди.

Хозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда инвестицияларнинг кириб келиши инновацион соҳаларнинг ривожланишига ва инновацион тадбиркорликнинг тараққий этишига хизмат қилиши орқали инвестицион иқлимга ва инвестициялаш механизмига бўлган талабга ҳам боғлиқ.

Тадқиқотларни амалга ошириш ва минтақавий иқтисодиёт бўйича амалга оширилган илмий изланишларни ўрганиш асносида мазкур тадқиқотда худудларнинг инвестицион жозибадорлигини кўрсатувчи омиллар гурухлангани ҳолда ягона тизимга келтирилди. Бунда асосий гурухлар сифатида худуднинг комплекс кўрсаткичларини акс этадиган ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни англатувчи нуқтаи назарлар ва илмий-амалий қарашлар умумлаширилган ва классификацияланган.

Бугунги кунда мамлакатда инвестицион фаолликни янада кучайтириш, худудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг айрим худудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб (Навоий, Жиззах ва Ангренда), хорижий инвесторларнинг капитал қўйилмалари ва ўз бизнесларини юритишларини таъминлашга қаратилган тизимли институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда (3-расм).



2-расм. Худудларнинг инвестицион салоҳияти даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Агар йиллар динамикаси эътибор қаратадиган бўлсак, 2000 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами қиймати 744520 млн. сўмни, бунда жон бошига тўғри келган инвестициялар ҳажми 30,2 минг сўмни ташкил этган (1-жадвал).



Манба: муаллиф томонидан тузилган.

З-расм.

2-жадвалда акс этган иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таҳлилларни давом эттирадиган бўлсақ, 2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 24487,7 минг кишини, 2005 йилда эса 26021,3 минг кишини, 2015 йилга келиб 31575,3 минг кишини ташкил этган. 2000-2005 йиллар оралиғида аҳоли сони 1,06 баробарга ошган бўлса, жон бошига тўғри келган инвестициялар ҳажми худди шу йиллар оралиғида 4 баробарга ўзгарган ($121,0 \div 30,2$). Иқтисодиётнинг ривожланиши учун инвестицияларнинг аҳамияти юқори эканлигини қиймат кўринишида яратилган ЯИМ мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Инвестицион жозибадорликка инвестицион риск тескари (салбий) таъсир кўрсатади. Юқорида баён этилган фикрларни давом эттирган ҳолда, инвестицион риск ва уни интеграл баҳолаган ҳолда қўйидаги гуруҳларга бўлиб талқин этиш мумкин: молиявий (давлат/маҳаллий бюджет ва корхоналар бюджетининг баланслаштирилганлиги); иқтисодий (худуднинг иқтисодий ривожланиш тенденцияси); ижтимоий (худуднинг ижтимоий кескин ҳолати); жиноятчилик (худуддаги криминал вазият, тез-тез содир бўладиган оғир жиноятлар, иқтисодий жиноятлар ва босқинчилик ҳолати); экологик (атроф-муҳитнинг ифлосланиши, радиацион ҳолатлар); бошқарув (мақсадли дастурларнинг мавжудлиги, бошқарув фаолиятининг ривожланганлик даражаси, бюджет ва унинг устидан оқилона бошқарув).



4-расм⁴.

Турли хилдаги барча инвестициялар учун ҳар хил кўринишдаги инвестицион иқлимининг мавжудлиги эътиборлидир. Инвестор ва инвестицияни қабул қилувчи шахслар ҳеч қачон бир хилдаги мақсадни кўзламайди. Инвестицияни қабул қилувчи томон минимал ресурсларни жалб этиш эвазига комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишни, иккинчи томон эса, узоқ муддат давомида максимал фойда олишни кўзлаб ҳаракатланади. Шунинг учун инвестициялар бозорида талаб ва таклиф қонунларининг амал қилиши (манфаатлар уйғунлиги) ва мувозанатликни таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар кечади.

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Ялни ҳудудий маҳсулот ва асосий капиталга киритилган инвестициялар хажми, 2000-2015 йй.

Кўрсаткичлар		ЁзП	
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм		3 255,6	
Асосий капиталга киритилган инвестиациялар, млн.сўм		744 520,0	
Жон бошига инвестиациялар, минг сўм		96,4	30,2
Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм		1 668,1	543,4
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм		62 388,3	
Жон бошига инвестиациялар, минг сўм		15 338 698,7	15 338 698,7
Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм		1 668,1	543,4
Асосий капиталга киритилган инвестиациялар, млн.сўм		62 388,3	
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм		62 388,3	
2000 йил		КР	
Андижон		35 897,0	109,3
Бухоро		36 746,0	242,3
Жиззах		31 180,0	207,6
Кашкадарё		17 392,0	83,3
Навоий		46 109,0	146,8
Наманган		41 891,0	171,6
Самарқанд		42 600,0	263,8
Сурхондарё		27 736,0	165,8
Сирдарё		17 118,0	85,2
Тошкент		60 526,0	374,2
Фарғона		52 367,0	374,2
Хоразм		25 840,0	143,1
Тош.ш		182 708,0	398,0
2005 йил		ЁзП	
Андижон		130 366,0	1 121,1
Бухоро		260 714,0	1 014,8
Жиззах		77 203,0	504,7
Кашкадарё		456 524,0	1 326,4
Навоий		229 097,0	1 099,4
Наманган		107 935,0	715,5
Самарқанд		203 508,0	1 156,9
Сурхондарё		170 801,0	724,4
Сирдарё		54 492,0	390,6
Тошкент		337 433,0	1 820,5
Фарғона		162 315,0	1 419,0
Хоразм		63 264,0	595,2
Тош.ш		741 775,0	1 892,0
2010 йил		КР	
Андижон		111,2	16,7
Бухоро		87,6	21,8
Жиззах		54,2	17,7
Кашкадарё		72,4	56,7
Навоий		117,7	58,6
Наманган		65,3	21,6
Самарқанд		74,7	15,8
Сурхондарё		66,2	15,8
Сирдарё		91,2	25,6
Тошкент		75,2	26,5
Фарғона		105,5	19,5
Хоразм		73,6	19,3
Тош.ш		244,3	85,4
2015 йил		КР	
Андижон		371,8	121,0
Бухоро		3 165 248,0	15 923,4
Жиззах		203,2	95,0
Кашкадарё		328,6	55,3
Навоий		216,8	73,7
Наманган		270,8	190,3
Самарқанд		540,8	282,3
Сурхондарё		242,4	51,7
Сирдарё		247,0	70,5
Тошкент		274,0	89,4
Фарғона		363,6	137,2
Хоразм		277,2	80,8
Тош.ш		309,9	56,8
2000-2015 йил		ЁзП	
Андижон		1 203,3	279,5
Бухоро		1 480,0	214,8
Жиззах		2 034,7	1 273,5
Кашкадарё		1 172,5	319,5
Навоий		1 430,5	639,7
Наманган		3 093,9	1 987,6
Самарқанд		1 489,5	296,8
Сурхондарё		1 307,5	271,9
Сирдарё		1 593,3	532,3
Тошкент		1 739,3	581,4
Фарғона		1 363,3	273,8
Хоразм		1 632,1	227,0
Тош.ш		3 338,8	1 472,4
2010-2015 йил		КР	
Андижон		1 203,3	279,5
Бухоро		1 480,0	214,8
Жиззах		2 034,7	1 273,5
Кашкадарё		1 172,5	319,5
Навоий		1 430,5	639,7
Наманган		3 093,9	1 987,6
Самарқанд		1 489,5	296,8
Сурхондарё		1 307,5	271,9
Сирдарё		1 593,3	532,3
Тошкент		1 739,3	581,4
Фарғона		1 363,3	273,8
Хоразм		1 632,1	227,0
Тош.ш		3 338,8	1 472,4
2000-2015 йил		ЁзП	
Андижон		1 203,3	279,5
Бухоро		1 480,0	214,8
Жиззах		2 034,7	1 273,5
Кашкадарё		1 172,5	319,5
Навоий		1 430,5	639,7
Наманган		3 093,9	1 987,6
Самарқанд		1 489,5	296,8
Сурхондарё		1 307,5	271,9
Сирдарё		1 593,3	532,3
Тошкент		1 739,3	581,4
Фарғона		1 363,3	273,8
Хоразм		1 632,1	227,0
Тош.ш		3 338,8	1 472,4
2000-2015 йил		КР	
Андижон		1 203,3	279,5
Бухоро		1 480,0	214,8
Жиззах		2 034,7	1 273,5
Кашкадарё		1 172,5	319,5
Навоий		1 430,5	639,7
Наманган		3 093,9	1 987,6
Самарқанд		1 489,5	296,8
Сурхондарё		1 307,5	271,9
Сирдарё		1 593,3	532,3
Тошкент		1 739,3	581,4
Фарғона		1 363,3	273,8
Хоразм		1 632,1	227,0
Тош.ш		3 338,8	1 472,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг турли йилларда чоп этган ҳисоботлари асосида тузилган.

2000 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 744520,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига (24,5 фоиз), ундан кейинги ўринда эса, Қашқадарё вилоятига (16,9 фоиз) тўғри келган. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда мавжуд бўлган хом ашё ресурсларининг мавжудлиги (қазилма бойликлар), инфратузилмаларнинг ривожланганилиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги юқорилиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, таҳлил этилаётган йилда давлат томонидан олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг айрим етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган устуворлик билан ҳам белгиланади.

Худудларни бир текисда ривожланишини таъминлаш, ҳудудларда истиқомат қиласиган аҳоли даромадлари ўртасидаги кескин фарқланишини олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиқтисодий даражада ҳал этиш давлатнинг ва жойлардаги маъмурий-бошқарув ҳокимиятларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўртacha республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори 30,2 минг сўмни ташкил қиласа (2000 йилда), ушбу кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудлар сони 11 тани ташкил этган.

Қолган учта маъмурий ҳудудларда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилояти) мазкур кўрсаткич ўртacha республика кўрсаткичидан кескин юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Ўз-ўзидан жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам айнан ушбу ҳудудларда юқори эканлигидан дарак беради.

2015 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртacha қиймати 3928,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қуйидагилар: Бухоро вилояти – 4614,2 минг сўм; Навоий вилояти – 6576,5 минг сўм; Сирдарё вилояти – 4127,1 минг сўм; Тошкент вилояти – 4459,5 минг сўм; Тошкент шаҳри – 8464,7 минг сўм. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2010 йилда вазият мутлақо бошқача тус олган эди. Биргина Сирдарё вилоятида жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад умумреспублика кўрсаткичининг 74 фоизини ташкил этган ва ўртacha умумреспублика кўрсаткичидан катта бўлган ҳудудлар иккитани ташкил этган (Тошкент ш., Навоий вилояти).

Ушбу даромадларнинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар умумий даромаднинг 72,9 фоизини ва трансферлардан даромадлар 21,8 фоизни ташкил этмоқда⁵ (Ўзбекистон ракамларда, 2016).

Ҳудудлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар ўша йилнинг ўзида ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатмасада, аммо маълум бир вақт ўтгандан кейин мультипилактив самара беради. Ушбу сабабий боғлиқликдаги таҳлил натижаларидан ҳам кўриш мумкинки, 2000 йилда Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад 111,2 минг сўмга teng бўлган. Ваҳоланки 2000 йилда вилоятга йўналтирилган

⁵Ўзбекистон ракамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2016.

инвестициялар (асосий капиталга) ҳамда жон бошига түгри келадиган инвестициялар ҳажми республикадаги энг паст қўрсаткичлардан бири бўлган.

Таҳлилларни ҳар беш йилдаги ўзгаришларга боғлаган ҳолда баён этадиган бўлсак, вазиятнинг сифат жиҳатидан бир мунча ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, хукumat томонидан олиб борилаётган худудларни ривожлантириш стратегиясининг ўзгариб туриши ҳам худудларнинг ижтимоий-иктисодий қўрсаткичларининг ўзгаришига сезиларли таъсир қўрсатади.

2005 йилда ЯИМни яратишда худудларнинг улуши табиийки турлича бўлган. Саноат, хизмат қўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган худудларнинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлади. Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори қўрсаткични намоён этади (11,9 фоиз). Худуднинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти юқорилиги сабаб, ҳар йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича ҳам Тошкент шаҳри пешқадам бўлган (741775,0 млн. сўм). Қиёсий таҳлил қилиш орқали айтиш жоизки, бундан беш йил олдин (2000 йилда) республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (744520,0 млн. сўм) билан 2005 йилнинг ўзида биргина Тошкент шаҳрига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳажми деярли бирбиридан унчалик ҳам катта фарқ қилмаган.

Агар ялпи худудий маҳсулотларни яратишда иштирок этган иқтисодиётда банд аҳолига нисбатан таҳлил қиласидиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, қаерда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлса ва фаолият олиб борса, уша ерда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Тошкент шаҳри билан Фарғона вилоятларини ўзаро қиёслаш орқали ҳам сўзимизнинг исботига далил келтириш мумкин.

2015 йилда Фарғона вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сони 1485,3 минг кишини ташкил қиласидиган ва улар томонидан яратилган ЯҲМ - 11278,9 млрд. сўмга teng бўлган. Тошкент шаҳрида эса 26648,7 млрд. сўмлик ялпи худудий маҳсулотни яратишда 1168,1 минг киши иштирок этган (иктисодиётда банд аҳоли сони). Демак, Тошкент шаҳрида ЯҲМни яратишда Фарғона вилоятига қараганда 317,2 минг кишига кам бўлган иқтисодиётда банд аҳоли билан 15369,80 млрд. сўмга кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Меҳнат унумдорлиги Тошкент шаҳрида Фарғона вилоятига қараганда уч баробарга юқори бўлмоқда. Тўғри, қаерда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳалари ривожланган бўлса, уша ерда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Иккинчи томондан олганда, Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан бошқа вилоятларга қараганда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳам юқори бўлган.

Бугунги кунда хукуматимиз томонидан худудларга йўналтирилаётган инвестиция жараёнларини янада кучайтириш ҳамда кичик бизнес ва

тадбиркорлик фаолиятини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ институционал ислоҳотлар кенг амалга оширилмоқда. Биргина 2016 йилнинг ўзида кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнесни бошлаш ва уни давом эттириш бўйича қулайликлик, имтиёзларни амалга ошириш бўйича хукуқий-меъёрий ҳужжатлар⁶ кучга кирди.

Буларнинг самараси ўлароқ, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз, саноат ҳажми 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ҳажми 6,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,2 фоиз ўсида (2016 йилнинг тўққиз ойлик якунларига кўра). Саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга оид фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал кўйилмалар ҳажмининг 9,4 фоизга ва пудрат-қурилиш ишларининг 15 фоизга ўсиш имконини берди⁷.

Жаҳонда юз бераётган тенденциялар таҳлилига ўрин берсак, ривожланган мамлакатларнинг барчасида қишлоқ хўжалиги қайсиdir маънода давлат томонидан рағбатлантирилади ва уларга ҳар йили давлат бюджетидан субвенция/дотациялар ажратилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бошқа соҳаларга қараганда инвестицион жозибадорлигининг патлиги туфайли ҳам инвесторлар кўпинча ўз маблағларини юқори даромад берадиган соҳага йўналтиришга ҳаракат қилишади. Инвестицияларни йўналтиришда асосий жиҳатлардан бири сифатида ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини инобатга олиш, шунга мувофиқ равишда оқилона қарор қабул қилиш кўзланган мақсадни амалга оширишининг бирламчи шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим⁸.

Хулоса

Узоқ муддатли оралиқда аграр соҳага ихтисослашиб қолган ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш борасида қуидаги йўналишларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ❖ саноат ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таркибий ислоҳотларни кучайтириш ва ЯҲМда индустрисал сектор даражаси улушини ошириш;
- ❖ қайта ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги билан саноат соҳаси ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш;
- ❖ ҳудудда мавжуд бўлган табиий-маҳаллий хом ашё ресурсларининг тури, ҳажмидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимишча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони. Халқ сўзи, № 197 (6632).

⁷Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. Халқ сўзи, № 208 (6643), 2016 йил 21 октябрь.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз. Халқ сўзи, №247 (6682), 2016 йил 15 декабрь.

- ❖ ҳудудларнинг имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб, юқори даражадаги ихтисослашувни таъминлаш, кучайтириш ва мавжуд тажрибани Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ёйилишини таъминлаш;
- ❖ меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, айниқса, қишлоқ меҳнат бозоридаги вазиятни мувозанатлаштириш, ҳудудий меҳнат бозорида вужудга келган тафовутни (диспропорция) олдини олиш мақсадида юқори меҳнат талаб қиласиган ишлаб чиқариш коплексларини йўлга қўйиш;
- ❖ қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланишини таъминлаш;
- ❖ маҳаллий ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш жараёнларини тезлаштириш;
- ❖ ҳудудларда яратиладиган ялпи ҳудудий маҳсулотларни ўртacha умумреспублика кўрсаткичидан пасайиб кетишини олдини олиш мақсадида турли хилдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. 2010. № 3(11). С.84-92.
2. Балацкий О.Ф. Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компании, предприятия // Вестник Сумского гос. Ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84-95.
3. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, № 197 (6632).
5. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантариш якунлари тўғрисида. Халқ сўзи, № 208 (6643), 2016 йил 21 октябрь.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қўрамиз. Халқ сўзи, №247 (6682), 2016 йил 15 декабрь.